



№ 16/02-11

2020 yil « 29 » январь

Учтепа туман маъмурий суди томонидан 2019 йил давомида одил судловни амалга ошириш борасида амалга оширган ишлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сонли, “Ўзбекистон Республикасида суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сонли, “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ-5268-сонли Фармонлари суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, одил судловга эришиш даражасини оширишни давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 245-моддасига мувофиқ маъмурий судлар Кодекснинг бир қатор моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқади. Бундан ташқари агар ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини инкор этса, маъмурий ишлар бўйича судьялар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги бошқа ишларни ҳам, худди шунингдек содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун ўзларига топширилган ишларни ҳам бевосита кўриб чиқади.

Ҳозирги кунда фуқаролар томонидан келиб тушаётган мурожатларни қабул қилиш ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида Учтепа туман маъмурий суди раиси ва судьялари томонидан ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари сайёр қабуллар ташкил қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекси 26-моддасига мувофиқ маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги,

маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир.

Учтепа туман маъмурий суди томонидан 2019 йил давомида амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Учтепа туман маъмурий судида штат бирлигига кўра, 1 та раис, 2 та судья лавозими кўзда тутилган бўлиб, ҳозирда тўлиқ таркибда иш олиб борилмоқда.

Учтепа туман маъмурий суди томонидан ушбу ҳисобот даврида жами 5899 нафар шахсга нисбатан 5356 та иш кўриб тамомланган бўлиб, 4332 та шахсга нисбатан 3853 та маъмурий ишлар бўйича маъмурий жазо чораси қўлланилган.

Шулардан: 3341 та иш бўйича 3758 нафар шахсга маъмурий жарима тайинланган (суммаси **4.166.752.731**сўм), 99 та иш бўйича 100 нафар шахсга махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси ҳамда 400 та иш бўйича 460 та шахсга нисбатан маъмурий қамоқ жазоси тайинланган.

2018 йил ва 2019 йил давомида маъмурий ишларни судга тақдим қилган идоралар бўйича статистик маълумот

№	ИНО	Прокуратура органлари	Солиқ органлари	Бошқа органлар
2018	2834 та маъмурий иш	255 та маъмурий иш	858 та маъмурий иш	686 та маъмурий иш
2019	2503 та маъмурий иш	325 та маъмурий иш	1192 та маъмурий иш	1014 та маъмурий иш
	331 тага кам	70 тага кўп	334 тага кўп	328 тага кўп

2018 ва 2019 йилларда кўрилган ишлар статистикаси

Йиллар	Кўрилган ишларнинг умумий сони	Тайинланган жарима	Икундорий ўзланган	Сайёр судда кўрилган ишлар сони	МЖТК 21-м	МЖТК	МХМК	Маъмурий қамоқ	МЖТК
2018	4631	3.177.990,8 07	1.313.900,0 00	2101 та (41,8 фош)	125	19	422	224	875
2019	5356	4.166.752,7 31	2.118.000,0 00	2387 та (42 фош)	49	21	253	400	1474

Жумладан, 2018 йил давомида майда безорилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга оид 379 та маъмурий иш келиб тушган бўлса, бу йилги ҳисобот даврида 19 тага камайган, яъни 358 та маъмурий иш келиб тушган.

Худди шунингдек, транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш билан боғлиқ ишлар 160 тага (2018 йил -505 та, 2019 йил -345 та), камайган бўлса, йўл транспорт ҳодисаси билан боғлиқ ишлар 64 тага (2018 йил -881 та, 2019 йил -945 та) кўпайган.

Ҳисобот даврида 471 та муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштиришга оид илтимосномалар келиб тушган.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича ҳисобот даврида жами 86 та шикоят келиб тушган. Келиб тушган шикоятлар мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ёки қарорига нисбатан келтирилган бўлиб, масалан, уларнинг 28 таси Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ёки қарорига нисбатан, 17 таси туман МИБ мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ёки қарорига нисбатан, 16 таси туман ҳокимияти мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ёки қарорига нисбатан берилган шикоятлардир.

Шунингдек, 2387 та иш сайёр суд мажлисларида кўрилган, бу кўрилган ишларнинг 42 %ни ташкил қилади (сайёр суд мажлислари асосан, маҳаллаларда, ўқув муассасаларида ва корхоналарда ўтказилган, шулардан 27 та телевидения, 1 та радио, 4 та газетда чиқиш қилинган).

Ўтаётган йил давомида тайинланган жарима жазоларининг 2.131.900.000 сўм ихтиёрий равишда қопланган, ижро қилиш учун мажбурий ижро бюросига 2.391.900.000 сўм ундириш учун юборилган.

Муҳокама этилаётган даврда Учтепа туман маъмурий суди томонидан 13 та маъмурий иш юзасидан юқори турувчи органларга тақдимномалар киритилган.

Учтепа туман маъмурий суди 2020 йилдавомида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини муҳофаза қилиш, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқишсини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Учтепа туман маъмурий судининг 2019 йилда амалга оширган ишлари юзасидан Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Учтепа тумани маъмурий судининг раиси Ж.Курбановнинг 2019 йил 12 ойи давомида амалга оширган иш фаолиятлари тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учтепа туман маъмурий суди (Ж.Курбанов):

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва еркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини муҳофаза қилиш, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминланиши, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши янада самарали ташкил этиш;

Ёшлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этилиши ҳолатлари, уларнинг тарбияси учун бевосита масъул бўлган ҳокимлик, ички ишлар органлари, ўқув муассасалари, маҳалла, ёшлар иттифоқи вакиллари, қолаверса ота-оналар томонидан ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар етарли олиб борилмаётганлиги масаласи танқидий кўриб чиқилсин ва амалга ҳуқуқбузарлик ҳолатини олдини олиш бўйича зарурий ишлар амалга оширилсин;

Судьялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонаси, шунингдек халқ депутатлари туман Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси аъзолари билан ҳамкорлик ўрнатилиши кучайтирилсин;

Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси О.Ташанов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Учтепа туман Кенгаши
сессияси раиси



С.Имамов

№ 17/02-112020 yil « 29 » sentabr

Фукаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судинининг 2019 йил давомида амалга оширган иш фаолияти тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президент Ш.Мирзиёевнинг ташаббуслари билан мамлакатда суд-хуқук тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд-хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида 2016 йил 21 октябрда “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 21 февралда “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармонлари қабул қилиниб, мазкур фармонлар ижроси ҳозирда босқичма-босқич таъминланиб келинмоқда.

Мазкур Фармонларга мувофиқ Конституцига, “Судлар тўғрисида”ги Қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг қатор кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Маълумки, 2017 йил 13 июнь кuni Тошкент шаҳрида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг ахволи, муаммолар ва истикболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб, унда айни пайтда қўлга киритилган натижалар билан кифояланиб қолмасдан, соҳа ривожига танқидий ёндашиш, ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган бир-бирдан муҳим ва долзарб вазифаларни самарали ҳал қилиш йўллари ва механизмлари ҳақида билдирилган аниқ таклифлар, амалий ташаббуслар асосида суд идоралари, судьялар фаолиятини бутунлай янги асосда, самарали ташкил этиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур маърузаларида белгилаб берилган вазифалар ва олиб борилаётган суд ислохотлари юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2019 йилда бажариладиган ишлари юзасидан ўз дастурий режаси ва судьялар томонидан 2019 йил давомида жойларда муаммоларни ҳал этиш учун ҳар ойда халқ билан очиқ мулоқотлари, шунингдек судьялар томонидан одил судловни амалга ошириш жараёнлари, халқ билан мулоқот натижалари ва суд фаолиятига доир бошқа масалалар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида чиқишлари дастури асосида Учтепа туманлараро судининг алоҳида Дастури ишлаб чиқилган ва мазкур дастур асосида тегишли ишлар олиб борилди.

2019 йил давомида Учтепа туманлараро суди томонидан жами 5961 та, 2018 йил давомида 6806 та фуқаролик иши тамомланган бўлиб, тамомланган ишларнинг сони 2018 йилга нисбатан 845 тага камайган.

Шунингдек, туманлараро суди томонидан 2019 йил давомида 920 та аризалар бўйича суд буйруғи чиқарилган бўлса, 2018 йил давомида 12297 та аризалар бўйича суд буйруқлари чиқарилган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 11377 та га камайган.

Туманлараро суди томонидан 2019 йил давомида тамомланган фуқаролик ишларининг 5197 таси бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилиб, шундан 3723 таси бўйича даъво талаблари тўлиқ, 622 таси бўйича қисман қаноатлантирилган. 852 таси бўйича даъво талабларини қаноатлантириш рад қилиниб, 158 та фуқаролик иши бўйича иш юритиш тугатилган ва 606 та фуқаролик иши бўйича даъво аризалари кўрмасдан қолдирилган.

Кўрилган жами 5961 та ишларнинг 1297 таси никоҳдан ажратиш (Учтепа туманида 578 та = 309 та қаноат + 269 та рад, Чилонзор туманида 591 та = 315 та қаноат + 276 та рад), 366 таси алимент ундириш (Учтепа туманида 176 та, Чилонзор туманида 190 та), 102 таси болани олиш ва бола билан кўришиш (Учтепа туманида 45 та, Чилонзор туманида 57 та), 26 таси оталикни белгилаш (Учтепа туманида 12 та, Чилонзор туманида 14 та), 49 таси оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш (Учтепа туманида 23 та, Чилонзор туманида 26 та), 26 таси оталикка эътироз билдириш (Учтепа туманида 12 та, Чилонзор туманида 14 та), 105 таси оила низолари билан боғлиқ бошқа ишлар (Учтепа туманида 51 та, Чилонзор туманида 54 та), 77 таси меҳнат низолари (Учтепа туманида 37 та, Чилонзор туманида 40 та), 781 таси уй-жой низолари билан боғлиқ ишлар (Учтепа туманида 368 та, Чилонзор туманида 413 та), 297 таси мулк ҳуқуқи (шундан 83 таси ўзбошимчалик билан қурилган қурилмаларни бузиш) 161 таси коммунал хизмат бўйича қарздорликни ундиришга доир (Учтепа туманида 78 та, Чилонзор туманида

83 та), 2039 таси битимларга доир (Учтепа туманида 1015 та, Чилонзор туманида 1024 та), 8 таси ер низолари билан боғлиқ (Учтепа туманида 5 та, Чилонзор туманида 3 та), 221 таси зарар билан боғлиқ низолар (Учтепа туманида 108 та, Чилонзор туманида 113 та), 84 таси даъво тартибида кўрилган бошқа низолар бўйича (Учтепа туманида 41 та, Чилонзор туманида 43 та), 300 таси алоҳида тартибда кўрилган ишлар (Учтепа туманида 142 та, Чилонзор туманида 158 та)ни ташкил қилган.

2019 йил давомида туманлараро суди судьяларининг бир ойлик ўртача иш ҳажми 99 та фуқаролик ишига, 13 та суд буйруғи тартибидаги аризаларга, жами фуқаролик ишлари ва суд буйруғи тартибидаги аризалар кўшиб ҳисобланганда 114 та ишни ташкил этган.

Туманлараро суди ҳал қилув қарорларининг 351 таси апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилган бўлиб, мазкур ишларнинг 44 таси бекор қилинган бўлса, 51 таси қисман ўзгартирилган.

Ўтган 2019 йил давомида даъво тақдим этишда тўланган давлат божи 2.980.504.472 сўми, суд қарори билан ундирилган давлат божи 838.220.044 сўми, суд буйруғи чиқаришда ундириш белгиланган давлат божи 169.369.468 сўми ташкил қилган.

Ҳозирда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судида 3 та судьялик ўрни вакант эканлигига қарамасдан, ўтган давр мобайнида ўтказилган сайёр мажлислари сони умумий кўрилган ишга нисбатан 39,8 фоизни ташкил қилган, яъни ўтган давр мобайнида судьялар томонидан 2374 та сайёр мажлислар ўтказилган.

Мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан судлар томонидан 33 та хусусий ажримлар чиқарилган ҳамда 7 та тақдимнома ва хабарномалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган.

Учтепа туманлараро суди судьялари томонидан жойларда муаммоларни ҳал этиш учун ҳар ойда халқ билан очик мулоқотлари, шунингдек судьялар томонидан одил судловни амалга ошириш жараёнлари, халқ билан мулоқот натижалари ва суд фаолиятига доир бошқа масалалар тўғрисида чиқишлари дастури асосида судьялар томонидан телевиденида 40 та, радиода 2 та, газета, журналларда 7 та, аҳоли ўртасида 41 та, корхона, ташкилотларда 42 та, ўқув муассасаларида 9 та чиқишлар амалга оширилди.

Ҳозирда барча судья ва ходимлар ўз иш фаолиятига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб, уларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чоралари кўриб келинмоқда.

Судьялар томонидан ўз қасамеди, одоб-ахлоқига зид равишда ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этиш ҳолатларига чек қўйиш бўйича

Судьялар томонидан ўз касамёди, одоб-ахлоқига зид равишда ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этиш ҳолатларига чек қўйиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгиланиб, бунда судьялик шаънига доғ туширадиган ҳар бир ғайриқонуний хатти-ҳаракатга “фавқулодда ҳолат” сифатида қараб, уларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганиб, йўл қўйилган камчиликлар такрорланмаслиги мақсадида доимий равишда судьялар ҳамжамияти билан муҳокама қилишга, қонунбузилиш содир этган ходимларга нисбатан муросасизлик муҳитини қучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларига эътиборни янада қучайтириб, уларнинг ҳар бир важини чуқур атрофлича ўрганилиши, жавоблар асосли ва тўлиқ бўлиши таъминланмоқда.

Судьяликка номзодлар захирасини шакллантириш, судьялик лавозимларига юксак маънавий-ахлоқий, касбий фазилатларга эга, юклатилган вазифалар ва амалга оширилаётган ислохотларнинг самарали бажарилишини таъминловчи, ҳар қандай вазиятга ҳолис ва одилона баҳо бера оладиган, қонунга қатъий иттиқ этадиган номзодларни судьялик лавозимларига тавсия этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ҳар бир судья томонидан мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун аҳоли билан жойларда бир ойда камида бир марта очик мулоқотлар ташкил этилишига, очик мулоқотларда Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузасининг мазмун-моҳиятини, унинг аҳамиятини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг 2019 йилда амалга оширган ишлари юзасидан Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг раиси М.Имамовнинг фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судини 2019 йил 12 ойи давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учтепа туман ҳокимининг ўринбосарлари (А.Хужанов, Ш.Шаакрамов, Л.Алманов, Б.Мирзаев, М.Арипова), Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди раиси (Д.Қамилов), “Маҳалла” хайрия жамоат фонди (Ғ.Шамсиев), Халқ таълими бўлими (У.Қурбонов), туман Маънавият ва маърифат маркази (М.Қасимов), тумандаги таълуқли бўлим ва бошқармалар,

Судьялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонаси, шунингдек халқ депутатлари туман Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси аъзолари билан ҳамкорлик ўрнатилиши кучайтирилсин;

Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси О.Ташанов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Учтепа туман Кенгаши
сессияси раиси



С.Имамов